

Хожи Муин Шукрулло ўгли (1883.15.3, Самарканд - 1942.27.7, Россия, Перм вилояти Соликамск шаҳри) — маърифатпарвар, шоир. 1901 йилда хаж сафаридан қайтгач, мактаб очиб, болаларни ўқитган. Аввал эски усулда, 1903—16 йиллар янги усулда муаллимлик қилган. Илгор жадид муаллими сифатида танилган. «Рахнамои савод» алифбе дарслигини ёзган (1908). «Самарканд» газетаси ва «Ойна» журналида ишлаган (1913—15). Россияда мардикорликда бўлган (1916—17). Самаркандга қайтгач, «Хуррият» (1917—18), «Меҳнатқашлар ўқи», «Меҳнатқашлар товуши» (1918—22), «Зарафшон» (1922—26), «Овози тожик» (1926-29) газеталари, «Таёқ» (1919), «Машраб» (1922—26), «Мушфикий» (1926—29) журналларида ишлаган. 1929 йилнинг 29 сентябридан 3 йил Сибирда сургунда бўлган. Сургундан қайтгач, Ўзбекистон давлат нашриётининг тожик бўлимида адабий ходим (1932—34), «Кизил Юлдуз» газетаси муҳбири (1934-37). 1938 йил 24 январда ноҳақ хибсга олиниб, НКВД қошидаги уқлик ҳукми билан 10 йилга қамалган. Ҳукми ўташ чоғида ҳалок бўлган.

Хожи Муиннинг ижоди 1900 йиллардан шеърлар ёзиш билан бошланган. «Наҳиф» (Ожиз), «Меҳрий» таҳаллуслари билан анъанавий мавзуларда шеърлар ёзган. 1908 йилда ижодий қарашларида кескин бурилиш бўлиб, М.Бехбудий таъсирида маърифатпарварлик руҳида шеърлар ва публитсистик мақолалар ёза бошлаган. «Гуддастаи адабиёт» (1914), «Янги адабиёт» (1915) шеърий тўпламларини чоп эттирган. Фитратнинг «Мунозара» асарини ўзбек тилига таржима қилган (1913). Туркистон матбуотида публитсистик мақолалари билан фаол қатнашган. 1914 йилда Нусратулло Қудратулло ўгли билан «Тўй» пьесасини ёзган ва чоп эттирган. «Тўй» М.Бехбудийнинг «Падарқуш»идан кейин саҳналаштирилган 2-ўзбек пьесасидир. «Эски мактаб — янги мактаб», «Кўкнори», «Мазлума хотин» пьесаларини ёзиб, уларни алоҳида китоб ҳолида чоп эттирган (1915).

Рустам Тожибоев

Хажвий шеърлари

РАҲМАТЛИК УЕЗД - САМАРКАНД РАЙКЎМИНИНГ ХУРМАТЛИК САДРЛАРИ ТИЛИДАН

Тангрига минг қарра қуллук бўлсин,
Қуллук айтмак биза қутлуг бўлсин.

Тангрининг марҳаматидан биза ҳам
Бўлдилар бахт ила давлат маҳрам.

Садр бўлдик неча кун райқўмга,
Нафимиз тегди хавасу илмга.

Неча кун халққа хизмат қилдик,
Ишчи-деҳқон қаби меҳнат қилдик.

Халкаро хизматимиз кўб бўлди,
Иззат ва хурматимиз кўб бўлди.

Истифода килибон фурсатдан,
Иззату обрўю хурматдан.

Олдик энг бойларидан кунда закот,
Тангри берди пулимизга баракот.

Пора олмокка биз одат килмадик,
Ишчи-дехконга хиёнат килмадик.

Окчани сарфи шарорат килдик,
Озгина дафъи касорат килдик.

Халкни кеча ва кундуз таладик,
Гъаюрнинг косасини хам яладик.

Отланиб шахар ва уездни кездик,
Кучимиз борича халкни эздик.

Ох! Бехуда сафохат килдик,
Юртимиз ичра шафоват килдик.

Зулмимиз ўз бошимизга етди,
Охири бахт ила давлат кетди.

Охким, вакти раёсат ўтди,
Хайфким, даври сиёсат ўтди.

«Таёк»:
Килмагон бўлсанг эди элга чаток,
Бошга етмас эди шунча таёк.

«Зарафшон» газетаси, 1922 йил, 3 декабр

НИМА ЭДИК, НИМА БЎЛДИК, НИМА КИЛАЙЛИК?

«Нима эдик, нима бўлдик?» сўроги
Эсимизга келади хар чоги.

«Нима килмок керак эди?» дерлар,
Биздаги камбагал ишчи-эрлар.

Илгари бизларга матлаб бор эди,

Янги мактаб, эски мактаб бор эди.

Чикар эди бир-икки рўзнома,
Ўкир эди уни хосу омма.

Ёшларда дард ила гайрат бор эди,
Халқда озгина химмат бор эди.

Нима бўлди - ишимиз ўзгарди,
Соғлиги кетдию колди дарди.

Яъни на мактабу пактаб колди,
Эски ва янгилари таркадди.

Янги мактабда мушук ўйнайдир,
Эски мактабда кучук ухлайдир.

Болалар кўчада хайрон-сарсон,
Оналар уйчада нолон-гирён.

Оталарнинг иши нон топмокдир,
Нон учун салла-чопон сотмокдир.

Элимизда гами мактаб йўколди,
Лоакал мактаб учун гап йўколди.

Газета бўлса-да бизнинг элда,
Чикодир бир карра ойда, йилда.

Ёшлар бунда туташ овладилар,
Карилар бунда ош овладилар.

Халкимизнинг бор-йўги тўйга,
Сарф ўлур, бир пули колмас уйга.

Тўгриси, бойлара химмат йўқдир,
Хайру эхсон ва хамият йўқдур.

Колмади синфи тараккийпарвар,
Барчаси бўлди гирифтору зар.

Баъзиси соч ва сокол фикридадир,
Кечаси мохижамол фикридадир.

Бу орада факат ишчи-дехкон
Колди нодонлик ила саргардон.

Ўқумай мулла бўлурми ишчи?
Ўқумай хакни билурми ишчи?

Ёвимиз бор оти «мустамлакачи»,
Юзи оппок кўринур, кора ичи.

Ушбу ёв бирла қураш лозимдур,
Балки они қувлаш лозимдур.

Яна бир ёв бор - оти нодонлик,
Киладир биза хамон хоконлик.

Бунга қарши уруш очмок лозим,
Тезрак они йўкотмок лозим.

Бунга йўк этмак учун илм керак,
Холбуки, бизда билимдир сийрак.

Илм учун мактаб очиш лозимдур,
Эру хотинга ўқиш лозимдур.

Илмсиз хур яшамок мумкин эмас,
Ўқугон элга чаток мумкин эмас.

Сўзламок чоги ўтиб иш битди,
Иш билан бирга совук киш битди.

Энди ким ишламаса ўлгусидир,
Яъни армони гули сўлгусидир.

«Зарафшон» газетаси, 1922 йил, 1 декабр

АЙ КАЛАМ!

Ай калам, ҳақ йўлида бўл тўгри,
Эгрилик айлама, бўлма ўгри.

Ай калам, тўгрини эгри ёзма,
Алданиб окчага йўлдан озма.

Тўгри юр, тўгри гапир, тўгри ёз,
Эгрилик қилгувчининг қабрин қаз.

Тўгриликни ўзинга маслак тут,
Тўгри қелганда бу йўлда қон ют.

Сени дер бунда биров «тескарочи»,
Бириси дер: «Бу киши миллатчи».

Бири дер «динчи», бири «рухиячи»,
Бири «нодон», бири «сапсатачи».

Ким на дер, деяберсин сўзини,
Сўзила кўрсатсин юзини.

Илтифот этма аларга, ёза бер,
Сен хакикат чечагин доим тер.

Ай калам, хакни ёзарда ўлгил,
Маслакинг йўлида курбон бўлгил.

Бу замонда ким эрур хакконий,
Шубхасиз тўкилур онинг кони.

«Зарафшон» газетаси, 1923 йил, 25 январ

«ТАЁК»НИНГ НАСИХАТИ

«Жарчи» болам, эрка кўзим, хар ишингни билиб кил,
Эркаликни менга килгин- матбуотга килмагил!
Сен ёш хали, тажрибанг оз, ёзгонингни тузатдур,
Нуксонингни айтганларга хаксиз ўпка этмагил!

«Жарчи» ўглим, «чўгул» бўлиб хак йўлидан айрилма,
Гарчи отинг «Жўгул» бўлса, ўзинг тўгрилагул бўл!
Тўсикликлар кўрарсанг-да, ўз йўлингдан бурилма,
Отанг ўлур хак йўлида, сен хам унинг каби ўл!

Гапнинг тубин билмай нега доду фарёд киласан?
Аслин билсанг, отанг санинг бошгинангни силайдир.
Аччигланиб чол отангнинг ўлмагини сўрайсан,
Кайси бола отасининг ўлимини тилайдир!

«Зарафшон» газетаси, 1923 йил, 1 март

ИЖОБАТ БЎЛГОН ДУО

(Амир Олимхон хакида)

Ай Худои дийргирини сахт гир!
Тезтар гар жонаки нодон амир.

Он амири, ки надорад гайри зулм,
Фикру зикри дигари андар замир.
Кору бораш фиску айшу-ишратаст,
Гўё аз модар ў зода шарир*.
Ул амириким касофат коншшр,
Эзмалик авжидадир деб «алкабир».
Одамият кўчасидан ўтмаган,
Садкаи одам бўлсун мундай амир.
Камбагалга рахми йўқдир, зулми кўб,
Бойларга лутф ила мехри касир.
Буржуазларга берар ёглик палов,
Камбагал ишчига бермайдир хамир.
Муллаларни адтсабон «дахяк» билан,
Вакфларни ушр бирлан ўзи ер.
Бою муллалар анга сотлик чимор,
Беваю бечорадир соглик сигир.
Пешкаш айлар амирга зулм ила,
Ўз боласин бою муллаю факир.
Баччабозликда анга йўқдир мисол,
Майпарастликда анга йўқдир назир.
Эрсиз киз колмади кўл остида,
Чунки бўлди барча кизга ўзи эр.
Шул жихатдан хаклидир хар ким деса:
«Биз Бухоро халки авлоди амир».
Гарчи бўлса оти Олимхон тўра,
Ўзи илму фазлдан йўқдир хабар.
Шул сабабдан олимга душман эрур,
Чин илм ахлини зиндонга солур.
«Истараз»чиларни хўкиздедек бокур,
Хурриятчиларни кўйдек бошин кесур.
Хурриятдан сўзласанг - жони чикар,
Зулмдан сўз бошласанг, бўлгай далер.
Бундайин золим, илохи, тезрок
Болшевиклар кўлига тушгай асир.
Барча молу мулку тахту бахтини
Болшевиклар айлагай йибир-эсир.
Кўркмайин тўгри ёзар ботур «Таёк»,
Гарчи бўлса катл, ё борса Сибир.

Ботурбек

(Бу манзума «Мехнаткашлар товуши» газетасининг 1918нчи йил, 13нчи декабрдаги 45-сонидан кўчирилди.)

«Машраб», 1924 йил, 7-сон

Мазмуни: Эй Оллох (эр юзида) фикру зикри зулмяан бошка бўлмаган, нодон амир

жонин кеч бўлса хам тезрок ва азоблирок ол, ул зотнинг килар амали факат фиску фасод, айшу ишратдир, гўе онадан ёмонлик фарзанди бўлиб тугилгандек.

ХИЗМАТЛАРИМ

(Ўхшатма)

Эй ёронлар, тўгри йўлдан кочдим мано,
Эгриликнинг уругларин сочдим мано.
Чўнтаккинам окча билан тўлсин дебон,
Макру фириб дўконини очдим мано.

Халк ичида бугзу нифок кўпайсун деб,
Кайда юрсам чакимчилик килдим мано.
Билимсизлар азоб тортиб ўкуйдилар,
Ман ўкумай барча фанни билдим мано.

Кимдан фойда кўрган бўлсам кўлин ўпдим,
Нафи тегмай юрганларни сўкдим мано.
Бой кишига пули учун сажда килдим,
Камбагалнинг обрўйини тўкдим мано.

Нафсгинамнинг буйругидан килча чикмай,
Ёглик жойга хар хил тузок кўйдим мано.
Узун чопон, катта салла киймак билан,
Нодонлардан кўб хурматлар кўрдим мано.

Амаддорга пора бериб иш битирдим,
Бунинг учун хизмат хаки олдим мано.
Хай аттангим, охир ўзим кўлга тушдим,
Ёмонликдан кўб балога колдим мано.

Машраб:

«Эл хизматин» килгон киши шундай бўлур,
Шул ишга минг офарин дедим мано.
Сандек ўсал кишилардан ким-канчасин,
Уриб, сўкиб бошларини едим мано.

Мулла Жунбул «Машраб», 1924 йил, 15-сон

ПОРА БЕР

(Бир порахурнинг илтимоси билан ёзилди)

Иш битказиб кетай десанг, пора бер!
Мурудингга етай десанг, пора бер!

Ўзим окман, кораларни оклайман,
Мени рози этай десанг, пора бер!

Пулсиз гавго асло ўрин тутмайдир,
Ёглик жанжал сира навбат кутмайдир,
Бўш даъволар бу дунёда бутмайдур,
Майсиз кабоб томогимдан ўтмайдур.
Ўгрилик кил, одам ўлдур, пора бер!
Элни йиглат, мени кулдир, пора бер!

Пулсиз бўлсанг, ҳеч ким сенга бокмайдир,
Душманингни чаён каби чакмайдир,
«Мулла жиринг» хамёнингга окмайдир,
Курук сўзлар кулогингга ёкмайдир,
Кўб гапирма, чўнтакни оч, пора бер!
Оламни буз, кел окча соч, пора бер!

Окча бўлса, пора чангалда шўрбо,
Окча билан кучсиз бўлгон тавоно,
Пуллик нодон кўзга кўрингай доно,
Пули борнинг тили бўлгуси гўё,
Кечкурун кел, енг ичидан пора бер!
Ёки кундуз пакет билан пора бер!

Кишлокларда махфий ишлаб пора бер!
Эшонлардек мурид овлаб, пора бер!
Бўри бўлиб элни талаб, пора бер!
Катта тўй кил, жувон асраб пора бер!

Мулла Жунбул «Машраб», 1925 йил, 16-сон